

СТАТИСТИКАДА ЯНГИЛАНИШ



Давр шиддат билан ўзгарапти. Замонавий технологиялар ва иш юритиш тизимининг илғор усулларидан фойдаланилаётганлиги ҳам жамият тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Давлат статистика тизимида ҳам ҳисобот тақдим юридик шахслар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида янада осон ва қулай бўлган, онлайн режимда ишловчи электрон кўринишда автоматлаштирилган **eStat 4.0** янги тахрирда ишлаб чиқилиб фойдаланиш учун жорий этилди.

Estat 4.0 статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг онлайн тизимига кириш **my.stat.uz** манзил бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси интерактив хизматлар порталига кириш орқали амалга оширилади.

Олтинсой туман статистика бўлими томонидан давлат статистика ҳисоботи маълумотларини **eStat 4.0** автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш ва электрон тақдим этишда юзага келадиган саволларга жавоб бериш, ҳисоботларни тўлиқ ва ўз муддатида қабул қилиб олинишини таъминлаш мақсадида ҳисобот тақдим субъектлар учун семинарлар ташкил этиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларидаги масъулиятини янада ошириш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 710-сонли қарорига асосан Аҳолини рўйхатга олиш ишлари 2022 йилдан 2023-йилга ўзайтирилди.**

